



8 март –

Халқаро

ХОТИН-ҚИЗЛАР КУНИ

Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir



№5 (1515)

2025-YIL

6-MART

O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH

ЗДРАВООХРАНЕНИЕ
УЗБЕКИСТАНА



t.me/uzbekistondasog'liqni saqlash

IJTIMOY –SIYOSIY GAZETA ♦ 1995 –YIL OKTABR OYIDAN CHIQA BOSHLAGAN

АЁЛНИНГ ҚУДРАТИ – МАТОНАТ ВА ШИЖОАТДА

Она! Нақадар буюк зот. Фақат унинг фарзанд учун кечалари бедор ўтказган, фарзанд камоли учун йиллаб югурган, ҳаёт қийинчиликларига ўзида куч топиб, ҳеч нолимай бошини мағрур кўтариб, атрофдагиларга беминнат меҳр берган бетакрор зотдир.

Мухтарам Президентимиз таъкидлаганидек, ҳар қандай жамият ва давлатнинг қай даражада халқпарвар ҳамда адолатли экани унинг хотин-қизларга бўлган муносабати ва ғамхўрлиги билан белгиланади. Мамлакатимизда хотин-қизларга берилётган эътибор туфайли ҳар бир соҳада уларнинг ўрни, улуши ортиб бормоқда. Жумладан, тиббиёт соҳасида меҳнат қилаётган фидойи аёллар меҳнатини ҳар қанча эътироф этсакда озлик қилади. Улар бугун жуда фаол, меҳнатсевар ва касбига садоқатлидир. Давлатимиз раҳбарининг юртимиз хотин-қизларининг оила ва жамиятдаги ўрнига бўлган эътиборлари барчамизни бирдек қувонтиради. Бунинг ифодаси сифатида эътироф этишимиз лозимки, 2025 йилнинг 3 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисидаги Қарори қабул қилинди.

Қарорда Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганлар рўйхатида:

Бахронова Дилшода Тохировна - Бухоро давлат тиббиёт институтининг тиббиёт факультети 6-босқич талабаси

Абдуллаева Саида Равшан қизи - Тошкент тиббиёт академиясининг даволаш факультети 1-босқич талабалари (Навоий вилояти)нинг борлиги бу бизнинг келажак фахримиздир.

Шунингдек, 2025 йилнинг 4 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "8 март – Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Фармонда мамлакатимиз тиббиёт тизимида фидойиларча меҳнат қилаётган бир гуруҳ соҳа ходимларининг Давлат мукофотлари билан тақдирланганликлари албатта, қувонарлидир. Улар орасида:

II ДАРАЖАЛИ «САЛОМАТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Абдурахманова Фаридохон Насирдиновна - Андижон вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг анестезиолог-реаниматологи

Лякшева Галина Петровна - Тиббиёт бош бошқармасининг 1-Марказий консультатив-диагностик поликлиникаси ҳудуд ҳамшираси

«СОҒЛОМ ТУРМУШ» МЕДАЛИ БИЛАН

Исмоилова Дилдора Ўктамовна - Қўшқўпир туманидаги «Шерзодбек шифо клиникаси» оилавий корхонаси раҳбари, Хоразм вилояти

Полвонова Луфтинисо Бобошарифовна - Риштон туманидаги «Чўнғара Зилол» оилавий шифокорлик пункти дояси, Фарғона вилояти.

Фурсатдан фойдаланиб, Давлатимизнинг юксак мукофотларига муносиб деб топилган фидойи соҳа ходимларини ҳамда мамлакатимиз тиббиёт тизимида садоқат билан хизмат қилаётган хотин-қизларни 8 Март Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Аёл - миллат келажаги, ҳаёт давомчиси. Хотин-қизлари эъзозланган, қадрланган юртнинг бугуни ва эртаси фаровон бўлади. Аёл меҳнати билан жамият тўлақонли ривожланади, тараққий этади. Шунинг учун мамлакатимизда хотин-қизларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилиб, уларнинг оғирини енгил қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Юртимиздаги барча хотин-қизларни 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий муборакбод этамиз!



ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ


Мамлакатимиз аёлларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий табриклайди!

Аёл борки, ҳаёт гўзал ва мафтункор! Инсон, оила, аёл тушунчаларини бир-бирдан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Оилани ҳам, жамиятимизни ҳам бирлаштириб, унга файзу барақа киритадиган, хонадонларимизни меҳр-муҳаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунаввар қиладиган зотлар ҳам аслида мўътабар оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Юртимиздаги барча аёлларни
8 март – Халқаро хотин-қизлар куни
билан чин дилдан қутлайди!

Аёл бор уйда бахт бор, аёл бор жамиятда юксалиш бор!
Шундай экан, ҳар қандай касбда меҳнат қилган хотин-қиз
борки, улар доим ҳурмат ва эъзозда бўладилар. Уларнинг
барчасини байрам билан самимий муборакбод этиб, оилаларига
тинчлик-хотиржамлик, соғлиқ-омонлик тилаб қолади.



✎ ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИ

ФАОЛИЯТЛАРГА МАСЪУЛИЯТ БИЛАН ЁНДАШУВ ЗАРУР

2025 йил 28 февраль Соғлиқни сақлаш вазирлигининг навбатдаги Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишида Хайъат аъзолари, тизимдаги барча ташкилот ва таълим муассасалари раҳбарларидан ташқари Ўзбекистон Республикаси Хисоб палатаси вакиллари, “Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси масъуллари ҳам иштирок этишди.



шимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 100-сонли Фармони ижроси, соғлиқни сақлаш соҳасида бюджет маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан мониторинг ҳамда назорат ўрнатиш бўйича қилинган ишлар тўғрисида Ўзбекистон Хисоб палатаси шўъба муdiri Рустам Жумаев маъруза қилди.

“Соғлиқни сақлаш лойиҳалари маркази” лойиҳа офиси раҳбари Элдор Одилов, соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини жорий этиш бўйича ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ва қарори, Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳалари ҳамда ушбу тизимни Самарқанд вилоятида жорий этиш бўйича тажриба-синов лойиҳаси бўйича ахборот берди.

Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги кўмитаси раиси Боходир Юсупалиев мамлакатимизда юқумли касалликлар билан боғлиқ эпидемиологик вазият, уларга қарши эмлаш ишларининг бориши ҳамда кўмита томонидан 2025 йилда амалга ошириладиган ишлар тўғрисида маъруза қилди.



Тиббий ёрдамни ташкиллаштириш департаменти бошлиғи Умида Газиева бирламчи бўғинда юзага келаётган муаммолар, уларни бартараф этиш борасидаги амалга ошириладиган ишлар тўғрисида ўз фикрларини билдириб ўтди.

Йиғилиш якунида кун тартибидан ўрин олган муҳим масалалар ва уларнинг амалий ечимлари ўртага ташланиб, бу бўйича масъулларга аниқ вазифалар юклатилди.

Ибодат СОАТОВА

Соғлиқни сақлаш вазири Асилбек Худаяров Хайъат йиғилишни кириш сўзи билан очиб, дастлаб, вазирлик Хайъатининг шу йил январь ойида бўлиб ўтган мажлис қарорининг ижросини танқидий таҳлил қилди.

Жумладан, тизимдаги рақамлаштириш масалаларига эътибор қаратар экан, ушбу тизим бўйича жойлардаги масъуллар ханузгача электрон тиббиётнинг аҳамиятини тўлиқ англамаган ҳолда ўз ишларига совуққонлик билан қараётганликлари сабаб, тизимда белгиланган топшириқлар вақтида бажарилмаётганлигини танқид қилди. Шунингдек, бу борада вазифаларига жиддий ёндашмаган масъулларга қатъий интизомий жазо чоралари қўлланилишини алоҳида таъкидлади.



Кун тартибидан ўрин олган яна бир муҳим масалалардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 июлдаги “Бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан молиявий назоратни кучайтириш бўйича қў-

✎ БАЙРАМ ТУХФАСИ

ИМКОНИЯТЛАРДАН АҲОЛИ МАМНУН

КУНИ КЕЧА ПОЙТАХТИМИЗДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ КЎП ТАРМОҚЛИ КЛИНИКАСИ ҚАБУЛ БЎЛИМИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мазкур шифо масканини очилишида иштирок этган Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази директори Хабибулла Окилов мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб бориладиган фаолиятлар ҳамда байрам арафасида аҳоли учун кенг имкониятга эга бўлган қабул бўлимининг замонавий киефа кашф этганлиги ҳамда шарт-шароитлар мавжудлиги тўғрисида тўхталиб ўтди.

Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кўп тармоқли клиникаси бош шифокори Санжар Маткаримов мазкур клиника тўғрисида куйидаги фикрларни баён этди.

Ушбу клиникамиз 1898 йилда 20 та ўринга мўлжаллаб ташкил этилган эди. 1999 йил 20 апрелда Ўзбекистон Респуб-

ликаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 252-сонли буйруғига асосан “Главтошкентстрой”нинг тиббий-санитария бўлими ўрнига 1-Республика клиник шифохонаси номини олди. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 311-сонли буйруғи билан “Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг Кўп тармоқли клиникаси” деб номланди. Клиника фаолияти соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун, фармон, Соғлиқни сақлаш вазирининг буйруқлари, касалхонанинг тасдиқланган иш режаси ва юқори органларнинг молиявий ҳисоботлари асосида амалга оширилади. Ҳозирги кунда шифохона 330 ўринга мўлжалланган 28 та бинодан иборат бўлиб, Республика микёсидаги кўп тармоқли тиббий муассасадир. Шифохона ҳудудида қабулхона бўлими мавжуд бўлиб, ҳар йили 25 000 дан ортиқ аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бўлимга мурожаат қилганларни тўғри йўналтириш ва тиббий хизмат сифатини яхшилаш мақсадида практолог, уролог, гинеколог, жаррох, нейротравматолог, терапевт, травматолог ва бошқа мутахассислар учун хоналар ва шу қаторда УТТ, рентген, лаборатория, ЭКГ хоналари мавжуд. Аини кунда қабулхона бўли-



мида 36 нафари шифокор, 28 нафари ўрта тиббий ходими ва 23 нафар кичик тиббий ходимлари аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келишмоқда. Қабулхона бўлими 2024 йил куз мавсумига қадар (сўнгги 15 йил давомида) таъмир талаб ҳолатга келиб қолган эди. Президентимизнинг ташаббуслари билан ташкил қилинган “Ташаббусли бюджет”нинг навбатдаги мавсумида голиб чиқилди ва қабулхонани қайта таъмирлаш учун пул ажратилди. Мана бугун кўриб турганингиздек, замонавий тус олган қабулхонамиз аҳолимиз хизматида топширилди. Юқорида таъкидлаганим-

дек, йилига 25 000 дан ортиқ фуқарога тиббий хизмат кўрсатилган бўлса, бу кўрсаткични 55 000 тага етказишни мақсад қилмоқдамиз. Албатта, қабул бўлиминизда барча шарт-шароит яратилган бўлиб, бунда тиббиёт ходимлари ҳам аҳоли ҳам мамнун.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бу каби замонавий шифо масканларимиз сонининг ошиб бораётгани, албатта, халқимизга сифатли тиббий хизмат кўрсатишида муҳим аҳамиятга эга бўлиши шубҳасиздир.

Намозжон ТОЛИПОВ

ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙДИГАН ШИФОКОР

Бугунги қахрамонимиз чинаккамига ўз касбининг устаси бўлиб улгурган. Бир неча йиллар давомида турли лавозимларда фаолият юритиб халқимизнинг ҳурмати ва эътиборига муносиб бўлган инсон билан суҳбат қилар эканман, унинг тинимсиз меҳнат ва изланишлари бир кун келиб ўз маҳсулини беришига яна бир бор амин бўлдим. Оламга донги кетган Ибн Сино ҳазратларини тақдим этган замин ва қанчадан-қанча истеъдодли инсонларни забт этаётган Бухоро заминидан ўзининг ҳалол меҳнатлари ва элимиз дуосига мушарраф бўлаётган латофатли аёл тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори Республика ихтисослаштирилган Она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказининг Бухоро вилояти филиали Она ва бола скрининг масалалари бўйича директор ўринбосари Гулноз Шавкатовна Мавлонованинг ҳаёт йўлларидаги сир синоатлари ҳақида эксклюзив суҳбатни мутолаа қилишингиз мумкин.

– Гулноз Мавлонованинг тиббиёт соҳасига бўлган қизиқиши қандай бошланган?

– Тиббиёт соҳасига қизиқиш болалигимдан уч - тўрт ёшларимда бошланган, шифокор бўлишга қизиққанман. Болалигимда томоқ йўлларим шамоллаган эди, ЛОР шифокорига кўрикга борганимда кўплаб шифо излаб келган, навбат кутаётган инсонларни кўриб ичимда жуда ачиниш ҳисси бўлган. Шу касбни танласам инсонларга ёрдамим тегади деб ўйлардим, бу қизиқиш менинг орзу умидларимни рўёбга чиқарди.

– Мутахассислигингиз ҳақида қисқача гапириб берсангиз ва нима учун айнан шу йўналишни танлагансиз?

– Мутахассислигим шифокорлик касби. Бу жуда жиддий эътиборни, инсон ҳаёти ҳамма нарсадан устун ва бунга бефарқ бўлмастикни талаб қилади. Мен айнан акушерлик ва гинекология касби ҳақида айтадиган бўлсам, икки инсоннинг ҳаёти учун жавобгарлик ҳисси бор. Яна шуни айтиш жоизки, гинекология аёл организмни ўрганиш ва соғломлаштириш, келажакда она бўлишга аёлларни тайёрлашдан иборат. Акушерлик эса бутун ҳомиладорлик даврида она қорнидаги ҳомиланинг саломатлигини, туғруқ даври бошлангунга қадар соғлом ўсиши ва ривожланишини таъминлаш, туғруқ фаолияти бошланиши билан туғруқни тўғри олиб бориш, акушерлик ҳолатларини тўғри баҳолаш ва ҳомилани туғдириб олиб чилла даврини назорат қилишдан иборатдир. Менинг фаолиятим хилма-хилликдан иборат. Шифокорлик билан бирга айнан акушерлик ва гинекология пренатология, шунингдек, педагогик фаолиятим ҳам бор. Бугунги кунда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳудудларни антенатал парваришlash бўйича тренинглари ҳам ўтказаман.

– Гулноз Шавкатовна, агар шифокор бўлмаганингизда қайси касбни танлаган бўлар эдингиз?

– Шифокор бўлмаганимда, дори яратувчи кимёгар бўлар эдим ёки бўлмасам, селекционер.

– Амалиётингиз давомида энг қийин вазиятни қандай ҳал қилгансиз?

– Амалиётимдаги мураккаб вазиятлар мени Мавлонова қилиб етиштирган десам хато бўлмайди. Бунда мени

Ромитан туманидаги тез тиббий ёрдам марказида ишлаган вақтларимдаги оғир ҳолатда келган аёлларга тез фурсатда берган ёрдамларим жуда кўп бўлган. Бу ҳолатни ҳеч унутмайман операция жараёнида "Бўлди тамом, аёлни йўқотдик" деган ҳаяжонлар ҳам бўлган. Бу ҳолатларда биз бош шифокордан тортиб барча етакчи жонкуяр мутахассисларимизни жуда тез фурсатда ёрдамга чақириб биргаликда беморни ҳаётга қайтариб олганмиз. Мен ҳар доим айтаман, тиббиётда айниқса, акушерликда ҳамжиҳатлик жуда муҳим ҳисобланади.

– Ўзингизга маъқул бўлган иш муҳитини тасвирлаб беринг?

– Мен ҳар доим қизгин жадал фаолиятда бўлганман. Лекин осойишталикни шошилмай ишлашни севаман. Операцияда ҳам жуда сергак ва осойишта ишлаш муҳити менга ёқади.

– Ўзбекистондаги тиббиёт тизимида энг муҳим муаммолар ҳақида фикрингиз қандай?

– Ўзбекистонда бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимига жуда катта эътибор қаратиляпти, оналик ва болаликни химоя қилиш борасида, шунингдек, моддий техник базага ҳам катта эътибор қаратиляпти. Шунга қарамадан ҳали муаммоларимиз ҳам етарлича. Масалан мутахассисларга тажриба ва кўникмаларнинг етишмаслиги, жойларда диагностиканинг инновацион усуллари етарлича қўлланилмаслиги.

– Янги технологиялар, ёхуд сунъий интеллект орқали муолажалар ҳақида қандай фикрдасиз?

– Бугунги даврда сунъий интеллект

шиддат билан кириб келмоқда. Қайсидир жабҳаларда албатта сунъий интеллект керак лекин мен албатта, янги технологияларни қўллаш тарафдориман. Масалан, гинекологияда қорин бўшлиғида ўтказиладиган оператив муолажаларни инновацион технологияда ўтказиш яхши деб биламан. Чунки бу аёлни кўп қон йўқотишни олдини олиш билан бирга чандиқли касалликлар пайдо бўлишининг ҳам олдини олади. Инсон қўли агарда моҳир бўлса у кўплаб яратувчиликка қодир деб ҳисоблайман.

– Издошларингизга, эртанги Ўзбекистон шифокорларига қандай тавсиялар бера оласиз?



учун инвестиция қилиши керак деб ҳисоблайман. Бу борада мени отам илм олишим учун ҳар доим қўллаб-қувватлаб келди. Албатта, устозларимнинг ҳам бекиёс хизматлари бор. Устозларим, Шухрат Тешаев, институтда Мастура Негматуллаева ва Дилбар Тўқсонова, ординатурада, акушерлик ва гинекологияни астойдил ўргатган Икром Амонов, фан билан шуғулланиб микроэлементология ва кизлар гинекологиясини ўрганишимда бекиёс хизмат қилган устозим, Абдулло Бобопиров, хирургияда инновацион технологик лапороскопист хирург бўлиб халқнинг хизматини қилишимда Норхўжа Самеддинов, шунингдек, яна бир устозим, Узоқ Баротовларнинг хизматлари жуда катта деб ҳисоблайман. Мен чин маънода энг зўр кучли устозлар қўлида шаклландим, бунинг учун бир умр миннатдорман.

– Биламизки, номзодингиз шу йил сайловда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлигига қўрсатилди ва ижтимоий тармоқларда ёритиб борилган тарғибот-ташвиқот ишларида Гулноз Мавлонованинг фаоллигини, халқ ичида ҳаттоки хонадонбай юрганларингизни, халқ сизни қўллаб-қувватлаганини барча бирдек кўрди. Сайлов натижаларига кўра эса Гулноз Шавкатовнанинг депутат бўла олмаганлигига нималар сабаб бўлди деб ўйлайсиз?

– Келинг, шу масалада гаплашмай қўя қолайлик. Ҳаммаси яхшиликка деб ҳисоблайман, шундоқ ҳам мен доим халқимизнинг муаммо, дарди билан хизмат қиладиган инсонман. Инсонларга керакли эканлигимни ўзи – олий бахт!

– Гулноз Шавкатовна газета муштарийларига тилақларингиз?

– Ушбу суҳбатни ўқиб турган барча муштарийлар ва уларнинг оилалари ҳамда яқинларига соғлиқ-саломатлик тилайман. Ушбу вазиятдан фойдаланиб жонажон халқимга фарзандлик бурчи билан таъзим қилиб юксак ҳурматимни билдиришимдан мамнунман. Фурсатдан фойдаланиб, халқимиз аҳлини юртимизга кириб келаётган 8 Март – Халқаро Хотин-қизлар байрами билан самимий қутлайман.

Суҳбатдош
Мухаммад Али РУЗИБАЕВ,
Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси аъзоси.

ЭЛ ДУОСИГА МУШАРРАФ БЎЛГАН ШИФОКОР



2000 йилларнинг бошида Ўзбекистонда темир танқислиги муаммоси жамиятимиз ҳаётидаги энг долзарб масаласи сифатида кўндаланг турган бир давр эди. Чекига тушгани тиббиёт илмига бўлган садоқатини аввало теран тафаккури, чуқур анатомик илми, беморларига нисбатан меҳри ва масъулияти билан намоён эта оладиган ўзбек олими Мусо Ўринов узок йиллик илмий изланишларни ниҳоясига етказиб, тиббиёт илмига «Болаларнинг руҳий ҳолатига темир танқислиги қамқонлиги аҳамиятини ўрганиш асосида уларнинг нормал психик ривожланишини таъминловчи тиббий технологияларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги лойиҳани тақдим этди.

Анемия. Тиббиётда темир моддаси етишмовчилигини тавсифловчи бу тушунча замирида болалар психикаси ва руҳий ривожланиши билан боғлиқ жиддий касаллик туради. Анемия болалар соғлигига салбий таъсир кўрсатиб уларнинг когнитив қобилиятлари пасайиши, диққат етишмовчилиги, ҳиссий беқарорлик ва ижтимоий мослашувдаги қийинчиликларга олиб келиши мумкин.

Мусо Ўринов томонидан илгари сурилган мазкур ишланма 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Фан ва технологиялар илмий амалий маркази томонидан эълон қилинган давлат гранти доирасидаги энг яхши иш сифатида эътироф этилди. Олимнинг бу йўналишдаги илмий тадқиқотлари орқали темир моддасининг мияга кислород етказиб беришдаги муҳим жиҳати хусусан, бу модда етишмовчилиги оқибатида болаларда хогира ва ўрганиш қобилиятининг сусайиши илмий жиҳатдан исботлаб берилди.

Бугунги қаҳрамонимиз Мусо Ўринов Бухоро давлат тиббиёт институти, Неврология кафедраси профессори, Ибн Сино жамоат фонди Бухоро вилоти филиали раҳбари.

Мусо Болтаевич 1985 йилда академик И. Павлов номидаги Самарқанд давлат тиббиёт институтининг даволаш факультетини тугатгандан сўнг Гиждувон тумани марказий касалхонасида шифокорлик фаолиятини бошлади. Меҳнат фаолиятининг дастлабки йиллари туманлараро меҳнат эксперт комиссиясида врач невропатолог сифатида иш юритиши ёш мутахассиснинг неврология соҳасига бўлган қизиқшини янада орттирди.

Уйга тез ёрдам машинаси етиб келганида вақт алламаҳал бўлган, адашмасам тунги соат иккига яқинлашиб қолган эди. Ярим соат олдин авжига чиққан бош оғригини сезмай қоляпман. Қаттиқ уйқум келаётгани. Назаримда настликка қулаб борардим. Фелдшер йигитнинг кетма-кет саволлари қулоқларим остида жаранг берарди холос. Деярли унинг гапларини тушунмас эдим. Болаларим ёш бўлгани сабаб, жиддий фожиадан қўрқув ҳисси кучли эди. Хаёлимда докторимнинг исмини унутиб қўймасликка ҳаракат қилардим. Ёнимдаги ҳамширага телефоним коддини очиб Мусо Болтаевичга қўнғироқ қилишини илтимос қилдим. Иккита чақирувдан сўнг “лаббай” деган овоз эшитилди. Мендаги қўрқув ўрнини ишонч эгаллади. Гўё мен касалхонада, ишончли қўлларда эдим. – Ҳа устоз қаттиқ тахикардия, пульс бетартиб,

ҳа юқори...албатта секин ўтказяпман назоратга оламан. Яхшиланяпти...бошқа гапларни чала эшитдим. Тез ёрдам группаси чамаси бир соатдан кўп вақт мобайнида, ярим тунга қадар ёнимда ўтиришди. Қачон кетишганини эслай олмайман. Эрталаб уйқудан енгил уйғондим. Кўзимни очишим билан нажоткор шифокоримга қўнғироқ қилдим. Ниятим бисотимдаги бор яхши сўзлар билан шифокоримга ташаккуримни билдириш эди. Йўқ, икки оғиз гапдан кейин томоғимга нимадир тиқилди. Кўз ўнгимда унинг мен сингари минглаб одамларга тегаётган нафи, бирор сўз билан ифодалаб бўлмайдиган меҳнатларининг бебаҳо қиймати гавдаланди. Умрларга тенг яхшилик ҳақида ўйладим. Ҳар бир инсон чекига тушадиган вазифа ҳақида тафаккур қилдим.

НЕВРОЛОГИЯДА ЯНГИ ЙЎНАЛИШ ЯРАТГАН ОЛИМ

Бу қизиқиш 1989-1994 йилларда унинг Тиббиёт ходимлари малакасини ривожлантириш маркази асаб касалликлари кафедрасида клиник ординатура ва аспирантурада таҳсил олишига сабаб бўлди. Бухоро давлат тиббиёт институтидан бошланган қизгин илмий фаолият натижасида 1995 йилда “Инсультгача бўлган касалликлар билан оғриган беморларнинг меҳнат қобилияти ва меҳнатга жалб этиш” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ёқлади. Бу ишланма сабаб Мусо Ўринов 1999 йилда доцент илмий унвонига сазовор бўлди. 2003-2004 йилларда илмий ишлар ва ахборот технологиялар проректори лавозимларида фаолият юритиб, институтда юқори илмий салоҳиятли кадрларни тайёрлаш ва талабалар илмий жамияти фаолиятини такомиллаштиришга муносиб ҳисса қўшди. Эгалланган илм ва орттирилган тажриба йиллар ўтгани сайин ўз самарасини бера бошлади. Ўзбек олимнинг 200 дан ортик илмий мақолалари ва услубий қўлланмалари хорижий ва республика нашрларида чоп этилди. Сўнгги 5 йил давомида 24 та илмий мақола, (соғлиқни сақлаш тизимида тадбиқ қилинган), 1 та олий ҳамширалик иши талабалари учун, 1 та тиббиёт институтлари талабаларига мўлжалланган жами 9 та услубий қўлланма институт ахборот ресурс марказининг китоб растасидан жой олди. 5 та монография (шундан иккитаси чет эллик олимлар билан ҳамкорликда) чоп этирилиб, институт ўқув адабиётлари фондини бойитди.

Мусо Ўринов ўзининг ўнлаб илмий тадқиқотлари билан бутунжаҳон неврологларининг Австрия, Словения, Франциянинг Леон шаҳри ҳамда Германиянинг Мюнхен шаҳри шунингдек, Туркиянинг Измир ва Ҳиндистон давлатларида ўтказилган конгрессларида нафақат иштирок этди, балки дунё

олимлари жамияти олдига неврологик касалликлар билан боғлиқ қатор муаммоларни кўндаланг қўйиб, уларни соғлом илмий мунозарага чақира олди. Дунёнинг турли мамлакатларида ўзи сингари одамлар соғлигидаги муаммоларни ўрганиб, тиббиётга янги илмий ишланмаларни олиб киришга ҳаракат қилаётган ҳамкасбларини инсониятга хизмат қиладиган янгидан-янги илғор ғоялар атрофида бирлаштиришга муваффақ бўлди. Шу маънода унинг Россия, Қозоғистон республикаларидаги нуфузли халқаро анжуманларда қилган маърузалари кейинчалик олимнинг ТОП 1000 ликка киритилган олий ўқув юртларида академик мобиллик йўналишида неврологиянинг долзарб муаммоларини ўрганилишига туртки бўлди. 2024 йилларда Россиянинг Санкт-Петербург, Бирлашган Араб Амирлигининг Абу-Даби шаҳарларида бўлиб, неврологияга оид турли мавзуларда маърузалар ўқиди.

Тиббиётда илк бор прозопаглия (ППЛ) ва прозоплегия (ППА) синдромли беморларда маскулинлик ва фемининлик хавф омиллари аниқланган ва эрта ташхислаш кетма-кетлигини ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ этган олим. Жаҳон тажрибасида биринчи марта “ППЛ ва ППА” синдромли беморларнинг аффектив ҳолати, оғриқ ҳолати ва нейрофизиологик кўрсаткичлар ўзгариши билан гендер характеристикаси ўртасидаги узвий боғлиқлигини ўрганган мутахассис шифокор. Бу илмий изланиш тиббий нейрофизиология, психоневрология ва гендер тиббиёти нуктаи назардан долзарб аҳамиятга эга. Дунё тиббиёти тажрибасида биринчи марта жинс диморфизми аспектида ППЛ ва ППА синдромли беморларда нейропсихологик статус, вегетатив ҳолат билан мутаносиб тарзда ўзгариши ва бу кўрсаткичларнинг меъёрдан ошиш да-

ражасини аниқлади. Маскулинлик ва фемининлик таъсир қилувчи хавф омилларини иккига бўлиб, жисмоний ва юз шакли ўзгаришини фанда исботлаб берди. Профессор Мусо Ўринов инсон ташқи кўринишини йўқотишдан қўрққанида бу унинг ўзини идентификация қилишига таъсир қилиши, оқибатда гормонал ўзгаришлар юз бериб, баъзида эндокрин тизимга таъсир қилиши мумкинлигини изоҳлади. Баъзи одамларнинг руҳий тушқунликка тушиб ўзини камбағал ҳис қилишини психологик омиллар натижаси деган тўхтамга келди. Эркаклар юзидаги фалаж ва оғриқлар уларнинг жамиятдаги “кучли” имиджга путур етказиши ва маскулинлик ҳиссига таъсир қилиши мумкин.

Мусо Ўринов ўрганган илмий тадқиқотлар жамият ва оила муносабатларида муҳимлиги билан алоҳида аҳамият касб этади. Дарҳақиқат одамлар юзида ўзгариш бўлган шахсларга жамиятда ҳар хил муносабатлар бўлади. Бу эса шахснинг ўзини қандай ҳис қилишини шакллантиради. Масалан аёллар учун юз жозибдорлиги муҳимроқ бўлгани учун, уларда ўзгаришлар фемининлик ҳиссига кўпроқ таъсир қилиши мумкин. Мусо Болтаевич Ўриновнинг докторлик илмий иши ривожланган мамлакатларнинг етук мутахассислари томонидан юқори баҳоланди. Илмий кенгаш аъзолари ва оппонентлар шифокорнинг бу ишига “неврологияда янги йўналиш” деб баҳо бердилар.

Мусо Ўринов бу ижтимоий масалага илмий жиҳатдан ёндошар экан, хулосаларини нейрофизиологик кўрсаткичларни, электроэнцефалография (ЭЭГ), магнит-резонанс томография (МРТ), нейропсихологик каби тестлар орқали аниқлашга ҳаракат қилди. Олимнинг диққат марказида муаммонинг гендер хусусиятлари турарди. Шу боис, эркак ва аёлларда намоён бўладиган синдром хусусиятларни тавсифлашда гормонал нуктаи назардан фарқланувчи психологик химоя механизми ва адаптация жараёнларини узвий тарзда таҳлил этди.

Бу эса давримиз олимнинг беморларнинг жинсига қараб касалликни фарқлаш ва гендер таъсир омиллари ўртасидаги маълумотларни терапия жараёнида самарали қўллашига сабаб бўлди.

Гулчехра МИРЗАЕВА,
публицист, журналист.

АЁЛНИНГ ЖАМИЯТДАГИ ЎРНИ

"Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони соҳибаси, Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Наманган филиалининг олий тоифали ҳамшираси Муаттар Омонова қабул қилинган беморларни бўлимларга жойлаштириши, хавотирларини аритиб, умид бағишлаш билан банд. Ҳамширалар Муаттар Омонова тўғрисида суҳбатлашишимни эшитгач, тилларидан бол томиб гапира кетдилар.

– Муаттар опамдақа одам дунёда йўқ, – деди **Азима Исмоилова хажонга тўлиб.** – Ўта масъулиятли, зеҳнли, бемор ҳаловати учун жонини аямайди. Биз ёшлар ҳамширалик малакаси ва маданиятини шу устоздан ўрганишимиз. Янги келган кунларим. Илк бор навбатчиликда қолдим. Ходимлар деярли кетиб бўлишганда оғир бемор келиб қолди. Мураккаб ҳолатини баҳолашга, биринчи ёрдамни кўрсатишга қийналяпман. Шу пайт опам кириб келди. Ҳам назарий, ҳам амалий сабоқ ва кўмақларидан сўнг дардманнинг аҳволи яхшиланди. Опа вазиятдан хабардорликлари учун ташлаб кетолмай, зарурат туғилса, ёрдамга шай бўлиб турган эканлар. Беморда яна юз бериши мумкин бўлган ўзгариш, қилинадиган муолажаларни тушунтиргачгина кетдилар уйларига. Шунда унинг иш вақти тугаганига бир ярим соатдан ошганди...

–15 йилдан бери бирга ишлаймиз, – **давом эттирди Райҳона Исабоева.** – Нафақат ёшлар, биз тенгдошлари ҳам Муаттардан андоза оламиз. Билим, малака, тажриба ва маҳоратда устун бўлишига қарамай, заррача кибру ҳавоси йўқ. Жуда ҳам оққўнгил, самимий, ҳалол ва эътиқодли. Бирор киши билан ҳеч сан-у манга бормаган.

Суҳбатга Малика Ҳамидуллаева қўшилди:

– Ҳа-я! Ёш ҳамшираларнинг аксари келинчак бўлади. Уйга кеч бориб, қайнона олдида қизармаслик учун бирор ишни эртасига қолдириб, кетиб қолган кунларимиз бўларди. Муаттар Омонованинг самимият тўла талабчанликлари, туғишган сингилдек жон койитиб айтган ўғитлари, ибратлари элга манзур шифокор, жамоа ва оиламизда қадрли инсон бўлишимизда дорилфунун вазифасини ўтамоқда.

–Биласизми,–деди **Муаттарнинг устози Зарифа Бобожонова,** – эндокринология ҳамшираси бўлиш жуда қийин. Соҳага оид 30 га яқин касалликлар муолажасини удалашга қодирликдан ташқари кучли психолог,

психотерапевт ҳам бўлиши керак. Эндокрин касалликлар, айниқса, диабет одамни асабий, тушкун қилиб қўяди. Зиддиятли руҳий аҳволда келган беморда соғайишга умид, яшашга иштиёқ, муолажага ихлос уйғотиш манتيкий ва ҳиссий таъсир қобилятини талаб этади. Муаттар ўзида ана шу сифатларни юксак даражада мужассамлантиргани билан кадр-қиммат топди.

МЕҲРИДАРЁ МУАТТАР

Катта ҳамшира бугун унинг ҳар қачонгидан иши кўплиги, яъни бир оздан сўнг Маърифат хонасида "Диабет мактаби"нинг навбатдаги машғулотини олиб боришини айтди. Шу боис қаҳрамонимиз билан суҳбатни мухтасаргина қилдик.

– "Соғлиқни сақлаш аълочиси" кўкрак нишони бир меники эмас, шу соҳада ишлаётган ҳамширалар, жумладан, филиалимиздаги опа-сингилларим – ҳаммамизники, – деди **Муаттар.** – Барчамизни фидокорона фаолият кўрсатишга ундаган муҳим омил мухтарам Президентимизнинг "Эндокринология хизматини такомиллаштириш ва кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-102-қарорларидир. Шу туфайли филиалимизда эндокринологик хизматнинг замонавий тизими шаклланди, касалликлар ва уларнинг асоратлари профилактикаси такомиллашди. Хизматлар тури 15 тадан 40 га гача етказилди. Гормонал ва минерал бузилишлар, репродуктология ва эндокрин-гинекология, онко-эндокрино-



би"нинг кичик ёшдаги тингловчилари тўпланишди. Муаттар машғулотни бошлар экан, болажонлар шифокор-мураббийнинг юз-кўзидан ёғилаётган самимият, алладай ёқимли нутқи сеҳридан касалликни унутдилар.

...Филиалдан қайтар эканман, амбулаторий-поликлиника мудири Баҳодир Давлатовнинг мулоҳазаси хаёлимдан кетмасди:

"Баъзиларда шунақа тасаввур бор: врачлар юқори, ҳамшира пастроқ мақомда. Йўқ! Шифохона ва бемор учун врачнинг ҳам, ҳамширанинг ҳам фақатгина ўзи бажара оладиган вазифаси, ўз ўрни бор. Филиалимиздаги 100 нафар ҳамшира касалликнинг руҳий босими остидаги беморни врач қабулига тайёрлашдек машаққатли жараёни рисоладагидек амалга ошириб бермасалар, доктор ишида сифат ва самара кўнгилдагидек бўлмайди. Муаттар Омонованинг муносиб касбдоши, издоши бўлган ана шу кўмакчи опа-сингилларимизни чин дилдан қадрлаймиз, ардоқлаймиз. Имкониятдан фойдаланиб, уларни жамоамиз номидан баҳор ва гўзаллик байрами билан муборакбод этамиз".

Газета саҳифаланаётган паллада **Муаттар Омонова амбулатория-поликлиника бўлими катта ҳамшираси этиб тайинланганлиги ҳақида хушхабар келди. Ҳа, касбга садоқат, одамлар қувончу ташвиши билан яшаш ва ишлаш кишини ишонч, кадр-қимматга муяссар этаверади.**

Муҳаммаджон ОБИЛОВ,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси.

ДОНОРЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ПУЛ МУКОФОТИ МИҚДОРИ ОШИРИЛДИ

Қонун (ЎРҚ-1041-сон, 28.02.2025 й.) билан айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди (<https://t.me/huquqiyaxborot/17569>).

Қонун билан "Шаҳар йўловчилар транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида"ги ҳамда "Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишinchа "Ўзбекистон Республикаси фахрий донори" кўкрак нишони билан тақдирланган шахслар

учун бир йўла бериладиган пул мукофоти миқдори оширилишини назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Бунда мазкур кўкрак нишони билан тақдирланадиганлар БХМнинг 15 баравари (5 млн 625 минг сўм) миқдоридан бир йўла бериладиган пул мукофотини олиши белгиланди. Илгари БХМнинг 5 баравари эди.

Шунингдек, уларга шаҳар йўловчилар транспортдан (бундан йўналишли ва йўналишсиз таксилар мустасно) бепул фойдаланиш, ўзлари учун қулай бўлган вақтда ҳар йилги меҳнат таътилига чиқиш ҳамда санаторий-курортларда даволаниш учун йўланмаларни навбатсиз олиш ҳуқуқи берилмоқда.

Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

@ssvuz



САМАРАЛИ УСУЛ – ПРОФИЛАКТИКА

Тиш касалликлари ва унинг асоратлари бугун бутун дунёда долзарб бўлиб турибди. Мамлакатимизда ҳам болалар орасида жадаллашаётган стоматологик касалликларни камайтириш йўлида саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Тиббиёт олимларининг фикрича, 12 ёшгача бўлган болалар орасида кариес касаллигининг ривожланиш даражаси қишлоқ болаларида шаҳарда яшовчи болаларга қараганда кўпроқ.

Юқори малакали даволаш ишларини амалга ошириш билан касаллик жадаллигини пасайтириб бўлмайди. Уларни камайтиришнинг ягона йўли касалликлар олдини олишда самарали усуллари топиш, профилактика орқали тиш касалликларини ва асоратларини бартараф қилиш. Бухоро вилоят ихтисослаштирилган Болалар стоматология маркази тиш касалликларини эрта аниқлаш, олдини олиш ҳамда самарали даволаш бўйича ташкилий-услубий марказдир. Бундан ташқари, мазкур муассаса Стоматология институти талабалари учун ўқув базаси ҳисобланади. Президентнинг 2011 йил 28 ноябрдаги “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1652-сонли қарорида тиббиёт муассасалари фаолияти

24 соатлик режимда хизмат кўрсатувчи мазкур хона байрам кунлари ҳам фаолият кўрсатади. У керакли асбоб-ускуналар ва тажрибали мутахассислар билан таъминланган бўлиб, шошилиш ҳолатдаги 40 нафар беморни қабул қилишга мўлжалланган. Баъзи кишилар тишлар саломат-



ТИШЛАР САЛОМАТЛИГИ У КЎПЛАБ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ



самарадорлигини ошириш, замонавий талаблар ва стандартларга мувофиқ аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш каби устувор вазифалар белгиланган бўлиб, марказда унинг ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда.

БЕМОР ШИФОКОРГА БОРИШ УЧУН ТОНГ ОТИШНИ КУТМАЙДИ

Бир кунда 350 нафар беморни қабул қилиш қувватига эга муассасада стоматология йўналишида барча турдаги тиббий ва сервис хизматлари, тиш даволаш, протезлаш, жаррохлик, имплант қўйиш хизматлари, Дентал рентген, 3D панорам рентген, физиотерапевтик муолажалар йўлга қўйилган. Марказда 1 ва 2-даволаш, профилактика, пуллик тиббий хизмат кўрсатиш каби бўлимлар, ортодонтия, рентген, техник лаборатория, физиотерапия, гигиена ва бошқа хоналар фаолият юритмоқда. Тиббиётга қаратилган эътибор ва ислохотлар самараси боис, бугун вилоятда болалар стоматологияси ҳам жадал ривожланмоқда. Таъкидлаш жоизки, илгари бу ерда шошилиш стоматология хонаси бўлмаган. Эндиликда беморлар тиш оғриғидан қийналганда стоматолог қабулига бориш учун тонг отишини кутиб ўтиришга мажбур бўлмайди.

лигига жиддий эътибор қаратмайди. Ҳатто яроқсиз ҳолга келиб қолган тишлар олиб ташлаганидан кейин ҳам уларнинг ўрнини протез тишлар билан тўлдиришга аҳамият бермайди. Соғлом овқатланишнинг энг муҳим шартларидан бири эса таомнинг талаб даражасида чайналишидир. Тишлар мукамал бўлмагач, бу борадаги муаммолар бўй кўрсатаверади. Оқибатда организмда бир қатор тизимларнинг фаолияти бузилиши, касалликлар вужудга келиши кузатилади, – дейди вилоят ихтисослаштирилган Болалар стоматология маркази директори Элбек Воҳидов.

ИЛГАРИ БЕМОРЛАР АРАЛАШ ҚАБУЛ ҚИЛИНАР ЭДИ

Муассаса биноси икки қаватдан иборат бўлиб, биринчи қаватда 18 ёшгача бўлган болаларга бепул тиббий хизмат кўрсатилади. Ёши катталарга эса иккинчи қаватда пуллик хизмат ташкил этилган. Стоматолог жаррохлар томонидан жағ-тил ости юганчаси нуқсонини хирургик йўл билан даволаш, тиш суғуриш, тиш остида ҳосил бўлган йирингларни бартараф этиш, амбулатор шароитда қилиш мумкин бўлган барча амалиётлар шу ерда бажарилаётган. Оғир асоратлар билан келган, стационар муолажага муҳтож беморлар эса вилоят Бола-

лар кўп тармоқли тиббиёт марказига йўланади. Илгари бу ердаги шароит бугунгисидан кескин фарқ қилган. Болалар ва катталар хирургияси ҳам аралаш бўлганлиги сабабли, шифокор қабулидаги навбатлар ошиб кетар, бу эса мутахассисларга ҳам, беморларга ҳам бирдек ноқулайликлар туғдирган. Эндиликда бу каби ўнғайсизликларга чек қўйилган. Стоматолог креслолар, бормашиналар, рентген аппаратлари, компьютерлар ва бошқа жиҳозлар янгисига алмаштирилган. Стоматолог тўпламлар сони ҳозирда қирқтага етган. Учта кучланиш регулятори олингани электр таъминоти меъёрида ушлаб туришга хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, муассаса томига ўттиздан ортик куёш батареялари ҳам ўрнатилган.

СТОМАТОЛОГ БОЛАЛАР БИЛАН ТИЛ ТОПИШИШИ КЕРАК

Болаларда кучли ҳаяжон ва кўрқув шифокорнинг ишига ҳалақит бермай қўймайди. Ваҳоланки, инъекция йўли билан оғриқсизлантиришнинг фаол усуллари амалиётга тадбиқ этилган. Миядаги кучли қўзғалишлар натижасида оғриқсизлантириш воситаларининг таъсир кучи иккинчи даражага тушиб кетиши ҳам мумкин. Шу боис, муолажа олдидан болаларнинг рухий

барқарорлигига эришиш биринчи ўринга қўйилган. Тишларни даволаш жараёнида беморни чалғитиш ва кўрқув ҳиссини бартараф этиш учун хоналарга телевизорлар ўрнатилган бўлиб, болалар бу ерда мультимедияларни томоша қилишлари мумкин.

Тиббиётда стерилизациянинг роли устувор. Бугунги кунда мавжуд замонавий атоклавлар хавфсиз стерилизацияни таъминлашда муҳим омил бўлиб, эски авлод жиҳозларидан бир қатор афзалликлар билан ажралиб туради. Бир марталик эксплуатацияга мўлжалланган тиббий тўпламлар гепатит, ОИТС ва бошқа юқумли касалликлардан беморларни муҳофаза этишда анча қўл келади. Тишлар имплантацияси бўйича ҳам мутахассислар тажриба орттирган бўлиб, бу йўналишда ҳам амалий ишлар бошлаб юборилган.

ЗАМОНАВИЙ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ ТУМАНЛАРГА ҲАМ ТАДБИҚ ЭТИЛАЯПТИ

Поликлиника шифокорлари шаҳар ва туманларга кураторлик иши бўйича доимий амалий ҳамда услубий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Туман тиббиёт бирлашмаларида чуқурлаштирилган тиббий кўриклар уюштириб, болаларни соғломлаштириш ишларига ҳисса қўшишмоқда. Туман марказий поликлиникаларида фаолият юритаётган терапевт, хирург ва ортодонт каби мутахассисларнинг кўникмаларини ошириш, соҳага тадбиқ этилаётган замонавий даволаш усуллари уларга таништириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. “Маҳорат дарслари” орқали жағ ва тишда туғма нуқсонли беморларни даволаш методлари тарғиб этилаётган. Бухоро шаҳридаги мавжуд мактабларнинг 18 тасида стоматолог хизмат кўрсатувчи хоналар ташкил этилишига эришилди. У ерда тишларида муаммоси бор ўқувчиларга тиббий ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда улар учун оғиз бўшлиғи гигиенаси дарслари ҳам олиб борилмоқда. Ўтказилган тиббий кўриклар натижасида ортодонтик, жаррохлик амалиётига муҳтож болалар йўлланма билан марказга юборилмоқда. Профилактик ишларнинг фаоллашуви натижасида эндиликда болаларда кариес касаллигининг олдини олишга эришилмоқда.

Ҳамзабек ТУРДИЕВ,
журналист.

НОВОСТИ МЕДИЦИНЫ

В СНГ ПОЯВЯТСЯ БАЗОВЫЕ ОРГАНИЗАЦИИ В ОБЛАСТИ ДЕТСКОЙ И ВЗРОСЛОЙ ТРАВМАТОЛОГИИ И ОРТОПЕДИИ

В Содружестве Независимых Государств появятся две новые базовые организации – в области детской и взрослой травматологии и ортопедии. Соответствующие проекты положений были согласованы на заседаниях экспертных групп 27 февраля в штаб-квартире СНГ.

В заседаниях участвовали представители Армении, Беларуси, Казахстана, Кыргызстана, России, Таджикистана, Узбекистана и Исполнительного комитета Содружества.

Инициатива о придании Национальному медицинскому исследовательскому центру детской травматологии и ортопедии имени Г.И. Турнера статуса базовой организации государств – участников СНГ в области детской травматологии и ортопедии и Национальному медицинскому исследовательскому центру травматологии и ортопедии имени Н.Н. Приорова статуса базовой организации в области взрослой

травматологии и ортопедии принадлежит Министерству здравоохранения Российской Федерации.

Необходимость создания базовых организаций по данным направлениям связана с ежегодным увеличением количества зарегистрированных заболеваний и травм опорно-двигательного аппарата, ростом количества множественных и сочетанных повреждений как у детей, так и у взрослых.

В целях формирования единых подходов к координации научно-исследовательского, образовательного, организационно-методического обеспечения деятельности в области детской и взрослой травматологии и



ортопедии предложено учредить базовые организации.

Отметим, что данная инициатива была поддержана Советом по сотрудничеству в области здравоохранения СНГ. Представленные Советом проекты документов были доработаны экспертами и направлены в страны Содружества для проведения про-

цедуры внутрисоюзного согласования.

Планируется, что проекты положений будут внесены в установленном порядке на рассмотрение Экономического совета СНГ.

Пресс-служба Исполнительного комитета СНГ.

ВРАЧИ ИСПРАВИЛИ ДЕФОРМАЦИЮ КОНЕЧНОСТЕЙ ПАЦИЕНТКЕ С РЕДЧАЙШИМ ДИАГНОЗОМ

СИНДРОМ ХОЛТ-ОРАМА – ТАК ЗВУЧИТ НАЗВАНИЕ РЕДКОЙ ВРОЖДЕННОЙ ПАТОЛОГИИ, ПРИ КОТОРОЙ ВОЗНИКАЮТ ТЯЖЕЛЫЕ МНОЖЕСТВЕННЫЕ ПОРОКИ РАЗВИТИЯ ВЕРХНИХ КОНЕЧНОСТЕЙ И ПОРАЖЕНИЕ СЕРДЦА. ИМЕННО ПОЭТОМУ ДАННОЕ РЕДКОЕ ВРОЖДЕННОЕ ЗАБОЛЕВАНИЕ ЕЩЕ НАЗЫВАЮТ СИНДРОМОМ «РУКА-СЕРДЦЕ», И ПРОГНОЗ ЖИЗНИ ЗАВИСИТ ОТ ТЯЖЕСТИ ПОРАЖЕНИЯ ГЛАВНОГО ОРГАНА ЧЕЛОВЕКА.

–Я за свой полувековой опыт работы в медицине имею дело с данной патологией впервые. В мире рождается 1 ребенок на 100 000 детей с Холт-Орама. Пациентка нашего отделения из Бурятии родилась с таким заболеванием в сочетании с тяжелой деформацией нижних конечностей 140 градусов, дисплазией соединительной ткани, - рассказала заведующая отделением №17 Клиники нейроортопедии и системных заболеваний Национального медицинского исследовательского центра травматологии и ортопедии имени академика Г.А. Илизарова профессор Анна Аранович.

До двух лет девочка не ходила. Деформации ног прогрессировали с возрастом. Оперативное лечение для девушки началось с 2000 года. Иркутские врачи устранили лучевую косорукость.

Врачи Центра Илизарова занялись тяжелым клиническим случаем с 2009 года. Пациентке по методу Илизарова поэтапно провели коррекцию оси бедер, голеней, исправили деформацию правого, затем левого предплечья, провели удлинение верхних конечностей.

С помощью новейших технологий, разработанных в Центре Илизарова, интрамедуллярный остеосинтез спицами с гидроксипатитным покрытием, девушке армировали большеберцовые кости нижних конечностей, чтобы предупредить дальнейшие деформации.

Возрастная преимущество, работающая в Центре Илизарова, позволила пациентке не менять лечащего врача (Анатолий Яковлевич Коркин) с начала и до окончания лечения. Для жительницы Иркутска многоэтапное оперативное лечение длилось более 17 лет! Результат ошеломительный.

Тяжелейшие множественные ортопедические осложнения на фоне синдрома Холт-Орама исправлены. Летом этого года счастливая пациентка выходит замуж.

В США ПРОВЕДЕНА ПЕРВАЯ ПЕРЕСАДКА ДОНОРСКОГО МИТРАЛЬНОГО КЛАПАНА



В ХОДЕ СЕРИИ ИННОВАЦИОННЫХ ОПЕРАЦИЙ ВРАЧИ КЛИНИКИ УНИВЕРСИТЕТА ДЬЮКА (СЕВЕРНАЯ КАРОЛИНА) ПРОВЕЛИ (HTTPS://MEDICALXPRESS.COM/NEWS/2025-03-DUKE-DOCTORS-MITRAL-VALVE-TRANSPLANT.HTML) ПЕРВУЮ В МИРЕ ОПЕРАЦИЮ ПО ПЕРЕСАДКЕ ДОНОРСКОГО МИТРАЛЬНОГО КЛАПАНА, ЧТО ПОЗВОЛИЛО СПАСТИ ЖИЗНИ ТРЕХ ДЕВОЧЕК.

Ранее в клинике была проведена полная пересадка сердца 11-летней Джорни Келли из Уилсона (Северная Каролина).

При этом врачам удалось сохранить два здоровых клапана Джорни и впоследствии выполнить их пересадку двум другим детям.

Один клапан был установлен 14-летней Маргарет Ван Брюгген из Шарлотты (Северная Каролина).

Ей требовалась экстренная замена митрального клапана после перенесенной тяжелой бактериальной инфекции.

Другой клапан получила 9-летняя Кенсли Фриззель из Пембрука (Северная Каролина), страдающая от синдрома Тернера — генетического заболевания, при котором могут возникать пороки сердца.

Ранее она перенесла несколько операций на сердце.

В настоящее время при необходимости замены сердечных клапанов используют тканевые или механические клапаны, которые не растут по мере роста ребенка и зачастую выходят из строя в течение нескольких месяцев.

Новый подход, реализованный врачами клиники Университета Дьюка, получил название частичной трансплантации сердца.

Он предусматривает установку живых донорских клапанов, обладающих способностью расти вместе с организмом ребенка, что потенциально снижает вероятность того, что в дальнейшем ему потребуется повторная операция.

Медицинская газета

БАЙРАМ ТАДБИРИ

Юраклар қувончи баҳор

Сирдарёда "Юраклар қувончи баҳор" номли маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Сирдарё вилояти мусикали драма театрида Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмасининг Сирдарё вилояти Кенгаши ташаббуси билан 8 март – Халқаро Хотин-қизлар куни олдида Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимида фаолият олиб бораётган шифокор ва ҳамшира, кичик тиббиёт ходимлар учун "Юраклар қувончи баҳор" маданий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Тадбир аввалида, бошқарма бошлиғи, Хуршид Ҳақимов, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмасининг Сирдарё вилояти Кенгаши раиси Акбархон Мирзахоновлар иштирок этиб, соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли саломатлиги йўлида фидокорона меҳант қилаётган, ўз ҳа-

ловатиданда кечиб, фидойилик намунасини кўрсатаётган 18 мингга яқин сирдарёлик тиббиёт ходимлар, яъни шифокор, ҳамшира, кичик тиббиёт ходимларни Хотин-қизлар куни олдида қутлаб, улар меҳнатини эътироф этди. Аҳоли саломатлиги йўлидаги фаолиятига ривож тилади.

– Соғлиқни сақлаш тизимида ишлаётган тиббиёт ходимларига Хотин-қизлар байрами муносабати билан кўрсатилган ҳурмат-эҳтиром, шифокор ва ҳамшира, кичик тиббиёт ходимларига куч, шижоат бахш этди, – дейди **Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бош ҳамшираси Раҳима Сувоққулова**. – Биз аёлларга кўп нарса керак эмас. Озгинагина эътибор, ширин сўз. Бу эса фаолиятимизга ижобий таъсир этади. Бугун ташкил этилган маданий-маърифий тадбир даво-



мида буни юракдан ҳис этдик.

Ўтказилган байрам тадбирида сирдарёлик санъат намоёндалари томонидан нафосат ва гўзаллик тимсоли хотин-қизлар ва баҳорни тараннум этувчи куй-қўшиқлар ижро этилди. Бу

албатта, тиббиёт ходимларига янада кўтаринки кайфият бахш этди.

Ғулом ПРИМОВ,
Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси матбуот котиби.

ДАВЛАТ ТИББИЙ СУҒУРТА ЖАМҒАРМАСИ

ҚАЛБЛАРДА ДИЛ ТАШАККУРЛАРИ

Президентимизнинг 2024 йил 5 сентябрда қабул қилинган "Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-311- сонли қарори ижтимоий реестрга киритилган аҳолига тиббий хизматнинг сифат ва самардорлигини ошириш имконини бермоқда. Биргина ўтган йили 519 нафар нафар имтиёзли тоифадаги беморларни ихтисослашган юқори технологияли асосда даволаш учун жамғарма ҳисобидан 4 миллиард 957 миллион сўм маблағ ажратилди. Жумладан, РИКИАТМ Наманган филиалида 132 кишида мураккаб юрак-қон томир амалиётларини ўтказиш билан боғлиқ 2 миллиард 540 миллион сўмлик харажат қоплаб берилди. ВКГТМда эса 189 фуқаронинг жарроҳлик муолажалари учун 1 миллиард 800 минг сўм сарфланди. Хусусий клиника "DOCTOR VISION" МЧЖда 616 миллион сўм эвазига 195 бемор кўзига нур ато этишга қаратилган ноёб оператив даволар ўтказилди.

Амалга оширилаётган хайрли ишлар самаралари юртдошларимизнинг миннатдорлиги, розилик тўла дил изҳорларида ўз ифодасини топмоқда. Бунга

жорий йилнинг ўтган ойларида биргина РИКИАТМ Наманган филиалида бепул ўтказилган юқори технологияли муолажалар туфайли умрига умр қўшилган 56 нафар беморнинг раҳматномалари ҳам яққол мисолдир. Уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Раъно ҲОСИЛОВА:

– 25 йил юрак хасталигидан азоб чекдим. Бироқ мукамал даволанишга катта миқдордаги маблағни асло жамғаролмасдим. Бахтимга Президентимиз ташаббуслари билан ташкил этилган тиббий суғурта жамғармаси операция харажатларини кўтарди. Виложат кардиология марказининг қўли энгил шифокорлари мураккаб амалиётни муваффақиятли бажардилар. Умримга умр қўшилишига оталарча ғамхўрлик қилган жамғармага, шифокорларга чексиз миннатдорчилик билдираман.

Аҳмаджон ЛАТИФБОЕВ:

– Наманган кардиомарказида юрагимнинг бир неча клапани зарарланганини аниқлашди. Жарроҳлик йўли билангина тузалишини айтишди. Аммо ноёб операция учун тўловга иложим йўқлигидан руҳан эзилиб юрганымда врачлардан харажатларни суғурта

жамғармаси кўтариши ҳақида хушхабар келди. Атоқли хирурглар клапанлардаги етишмовчиликларни сабот ва матонат билан тўғриладилар. Жоним роҳат топди. Бу қадар ғамхўр Юртбошимиз, жамғарма мутасаддилари ва шифокор-ҳалоскорларимиз бахтимизга соғ-омон бўлишсин!

Севара ҲАМРОҚУЛОВА:

– Юрак бўлмачалариноро тўсик деффекти, деб аталадиган касаллик туфайли ҳаётдан умидимни узишгача бордим. Чунки буни тузатиш учун қилинадиган ўта ноёб операция тўловига кучим етмасди. Кардиомарказда биздек имтиёз эгаларига давлат тиббий суғуртаси хомийлик қилишини айтганларида жон ўзимники бўлди. Яна яшашга иштиёқ, фарзандларимга оналик қилишга умид уйғонди. Халқининг кадр-қимматини шунчалар улуғлайдиган давлатим борлигидан, жамғарманинг жонқуяр инсонларидан тоабат миннатдорман ва розиман.

Карима АҲМАДАЛИЕВА:

– Қўлим ва оёқларим томирларида қон айланиши бузилгач, еру кўкка сиғмай қолдим. Бунинг азобларини айтиб адо қилиб бўлмасди. Аввалига "бу касаллик Тошкентда ё ундан ҳам нарида даволай олинади, бунинг учун неча

кишининг бир йиллик жамғармаси ҳам етмайди", деган гапларни эшитиб, хўрликларим келди. Лекин бу гаплар ҳаммаси бекор экан. Наманганимизнинг кардиожарроҳлари суғурта жамғармаси ҳисобидан артерияларимдаги иллатлардан халос қилдилар. Шифокорларимиз шу қадар илм ва маҳорат эгаси бўлганликлари, Давлат тиббий суғурта жамғармасининг биз қабила-га меҳрибонликлари сабаб умримга умр қўшилганидан беҳад хурсандман. Бахтли ҳаётимиз фидойиларига Яратганимиз ёр ва мадаккор бўлаверсин!

Жамғарманинг Наманган ҳудудий бўлинмаси вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан фаол ҳамкорликда давлат тиббий суғурта механизмларини тўлақонли татбиқ этишнинг амалий чораларини кўрмоқда. Айни вақтда жамғарма билан шартнома асосида ишловчи даволаш-профилактика муассасалари сони 18 тага етказилди ҳамда мазкур фаолият турини шаҳар ва туман шифохоналарида жорий қилишга жадал тайёргарлик кўриляпти.

Мухторжон ЖЎРАБОЕВ,
Давлат тиббий суғурта жамғармаси Наманган ҳудудий бўлинмаси бош мутахассиси.



Газета муассиси:
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги

ISSN 2010-6149.
Электрон манзилимиз: www.uzssgzt.uz

Бош муҳаррир
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг пайшанба кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда "O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравосохранение Узбекистана" газетасидан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлөзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газета 2009 йил 11 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0015-рақами билан рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев.

Таҳририят манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 30 уй, 2-қават. Тел/факс: (71)233-13-22, тел.: (71)233-57-73. Газета "Шарқ" нашриёт – матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41 уй. Тел/факс: (71) 233-11-07.

Газета ҳажми
2 босма табоқ.
Формати А3. Офсет усулида чоп этилган.

Адади – 566 дона.
Буюртма рақами Г – 338.

Босмаҳонага топширилиш вақти: **21-00.**
3 4 5 6 7
Топширилди **20-00.**